

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозилган Ғалабанинг 71 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиётида топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 18 апрель.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бошқарма бошлиғи вазирида ишлаб келган Артиков Зафар Болтабаевич Зангиота тумани ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими С. Абдуллаев сўзга чиқди.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ 3. АРТИКОВНИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни-нинг 2-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокими лавозимига Артиков Зафар Болтабаевич 2016 йил 18 апрелдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Зангиота тумани ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияларига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими С. АБДУЛЛАЕВ
Тошкент шаҳри, 2016 йил 18 апрель.

Маънавият

Бир неча минг йиллик бой тарихга, маънавий меросга, миллий урф-одат, қадриятларга эга миллат сифатида ҳамisha дунё аҳлини лол қолдириб келганмиз. Ор-номус, диёнат, ҳаё, ахлоқ, ҳалоллик, поклик, адолат, тўғрисузлик, ота-онага ҳурмат, кичикларга иззат каби инсоний қадриятлар миллий тарбиямиз гултожи ҳисобланган.

ГЛОБАЛЛАШУВ БАҲОНА БЎЛОЛМАЙДИ

Бугун халқаро глобаллашувнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, салбий жиҳатлари жуда кўп бўлиб олганини эътиборга оlish зарур. "тузоғи"га илтираётган. Хусусан, давримизнинг глобал муаммоларидан бири ҳисобланган "оммавий маданият" хатарли иллат сифатида дунё бўйлаб кенг қанот заъабтанлиги ташвишланарлидир. Айрим оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари, кино, музика, кўшиқ, китоб, парнографик расм ва рангли плакатлар орқали бузғунчилик, босқинчилик, беҳаёлик, эўравонлик, ахлоқсизлик кенг тарғиб қилинаётган. Албатта, бундай разил ишлар ортда бўлмай даромад топишни кўзлаган бир тутам кимсалар турганлиги аён.

Бугун, афсуски, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти

талабаларининг аксарияти миллий кийинишга эътибор бермай қўйишди. Нафақат қизлар, қолаверса, ёши улғ аёллар ҳам эркаклар шими ёки тор шалвар кийиб юришини "замонавийлик" деб ҳисобламоқдалар. Тарихдан маълумки, эраимиздан аввалги IV асрда Александр Македонский бошлиқ юнон босқинчилари жуда кўп мамлакатларни бўйсундирган, ўрта Осиёда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Маълум муддат Самарқандда яшаган жаҳонгир маҳаллий аҳолининг кийинишига маҳлиё бўлиб, шундай кийиниб юришини одат қилган, аскарларига ҳам шундай кийинишга рухсат берган. Хотин-қизларимизнинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий гўзаллиги, орномуси, ҳаё ва ибосини оилага садоқатини юксак қадрлаган.

Давоми 2-бетда.



МАФТУНКОР ВА ОБОД МАНЗИЛЛАР ТАРОВАТИ

хорижлик сайёҳларни ром этади

Кунлар исигани сари кенг қўламли сайёҳлик мавсуми ҳам фаоллашади. Ёз ва куз ойларида табиат бағрида дам олишни хуш кўрувчи сайёҳлар дунё бўйлаб сафарга чиқади. Ўзбекистонда нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳларни ҳам бефарқ қолдирмайдиган туристик

йўналишлар, тарихий ёдгорликлар жуда кўп. Зеро, мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасини, ички туризмни янада ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини чет элларда реклама қилишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани бежиз эмас.

Халқаро туристик кўрғазма

Пойтахтдаги "Ўзкўрғаз-масавдо" марказида ташкил этилган IV Халқаро Ўзбек туризм кўрғазмасида мамлакатимизда сайёҳлар учун яратилган имкониятлар яна бир бор ёрқин намойён бўлди.

Ўзбекистонда турли даврларга оид тўрт мингдан ортиқ меъморчилик ва санъат ёдгорликлари мавжуд. Кейинги йилларда меҳмонхоналар дам олувчиларнинг барча талабларига жавоб берадиган замонавий хизмат турларини тасвир этмоқда.

"Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва "Буюк йўли" реклама агентлиги томонидан бир қатор ва-зирлик ва идоралар ёрда-

мида ташкил этилган кўрғазмада Тошкент вилоятида фаолият юритаётган 27 меҳмонхона ва бир қатор санаторийлар, Уғмон-Чотқол давлат миллий табиат боғи, Чорвоқ сув омбори, Чимён тоғолди минтақасидаги дам олиш масканларининг ноёб табиий-иклим шароитлари ҳақидаги маълумотлар ҳамда намоёиш этилган фото ва видеолар халалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Жумладан, "Небеса" меҳмонхонаси тоғлар қўйнида мириқиб хордик чиқаришни тақдир этаятган бўлса, "Лайнер" тоғли курорт мажмуаси балиқ ови ва турли спорт мусобақа-

лари шайдоларини дам олиш масканига чорламоқда.

– Туризм соҳасига қизиқувчилар учун Тошкент вилояти ҳудудида тарихий ёдгорлик ва афсонаю ривоятларга бой қадамжолар кўп, – дейди халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эшмирзаева. – Жумладан, қадимий Шохруҳия, Бўстонлик туманидаги Шайх Умар Валий, Қадамчи бува, Хўжақент қадимий

форлари ва чинорлари, Охангарон туманидаги Шоабдумалик ота, Паркент туманидаги Заркент ота, Мачитали бобо зиёратгоҳлари Тошкент воҳа-

сининг ана шундай ноёб ёдгорликларидандир. Қолаверса, вилоятимиз ўзининг об-ҳавоси ва табиати билан ҳам бошқа жойлардан ажралиб туради.

Мазкур туристик анжумандан қўзланган асосий мақсад, соҳада фаолият юритаётган фирма-операторларга қўламли ва ёз мавсумлари учун меҳмонларга ўзларининг қизиқарли туристик йўналишларини тавсия этиш, йирик корпоратив миқозлар билан шартнома тузиш юзасидан қўша режа ишлаб чиқишлари имкон яратиб беришидир.

Абдусамат Йўлдошев.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

МАҲАЛЛАМИЗ ТАҚДИРИНИ ҲАҚИҚАТГА ҲАРАКАТНИ ҲОЗИРДАН ПУХТА ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК

Бугуннинг гапи

Ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз. Халқимизда қадимдан маҳалла қадриятлар бешиги, тарбия ўчоғи сифатида улугланган. "Бир болага етти маҳалла ота-она" сингари мақолларнинг халқ орасида кенг тарқалиши ҳам маҳалланинг тарихий илдизлари эканини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси, "Шаҳидлар ҳақлари" жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, талабалар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б. Абдуҳалимов, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори Б. Ҳасанов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида маънавий-маърифий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни асл ҳолича ўрганиш, Ватанимиз озодлиги йўлида жонфидо этган улғ аждод-

ри теран эканлигини дарак беради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврадаги йиллардан бошлаб маҳалла тизими янада тақомиллаштириш, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколат ва вазифаларини кенгайтириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Эндilikда одам-

лар турмушининг қайси жаҳасига доир масала бўлмасин маҳалла идораси эшигини қоқишмоқда. Бир иш бошлашдан аввал "Одамлар, маҳалла-қўй нима деркин?" деган истихоло хаёдан ўтади. Зеро, қўйни-қўшинчилик муносабатлари, болалар тарбияси, ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларининг барчаси маҳалладан бошланади. Шу

боис, маҳаллага катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган инсонлар бошчилигида қилинади. Бу эса, ўз навбатида, минг йиллардан бери халқимизнинг қон-қонига сингир кетган каттага ҳурмат, кичикка иззат тушуначисининг ифодасидир.

Шу кунларда республикамиз бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнлари кизгин давом этмоқда.

Сайловларнинг қонунга мувофиқ, тенглик, ошқоралик, муқобиллик тамойилида ўтишини таъминлаш бу жараёнда энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Давоми 2-бетда.

ТАРИХИЙ АСАРЛАР МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

"Қатағон қурбонлари хотираси" музейида маърифатпарвар боболаримизнинг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси мавзuida республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Мерос

ларимизнинг хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ёшларни эл-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда тарихимизнинг турли даврлари, хусусан, яқин ўтмишимизда кечган қатағон йилларида оид воқеаларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, тарихий ҳақиқатни тиклашга алоҳида эътибор

қаратилмоқда.

Мустамлака даврида элни илм-маърифатли қилишга, юртимизни тарққий топтиришга интилган юзлаб маърифатпарвар, фидойи боболаримизнинг шахси, илми ва иходий фаоли-

ти истиқлол йилларида қайта тикланди. Президентимиз ташаббуси билан улар хотирасига атаб "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди.

Анжуманда маърифатпарварлар фаолияти ва асарларини миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, халқ тафаккурини ўстириш йўлида олиб борган курашлари моҳиятини англаш ғоят муҳим экани қайд этилди.

ҲИСОБОТЛАР ЭНДИ ЯНГИ ШАКЛДА

Вилоят ҳокимлигида тегишли бошқарма, корхона ва ташкилот мутахассислари учун амалий семинар ташкил этилди.

Семинар

У тармоқлар ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларини шакллантиришда Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ)ни қўллаш масалаларига бағишланди.

Республика Давлат статистика қўмитаси ҳамда вилоят статистика бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда ИФУТни жорий этиш учун меъёрий асос, ундан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг амалий фаолиятида фойдаланишни таъминлаш бўйича ташкилий чоралар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, маълумотларни кодлаштириш қоидалари, корхона ва ташкилотларнинг амалдаги давлат статистика ҳисоботлари тизими, статистик маълумотларни ИФУТ тузилмасида жорий этиш, статистик таснифлагичлар тизими асосида иқтисодий ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини шакллантиришнинг хусусиятлари муҳокама қилинди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари А. Абдуқодиров иштирок этди.

Ўз мухбирими.

Б. ХИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.

Тазквондо

Тазквондо (WTF) бўйича терма жамоамиз аъзолари Никита Рафалович ва Нигора Турсункулова Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари саралаш мусобақасида муваффақиятли иштирок этди.

ОЛИМПИАДАГА
ҚЎШАЛОҚ ЙЎЛЛАНМА

Вазни 80 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида хиндистонлик Навжет Манн, иорданиялик Анас Аладарби, финалда Хитой Тайпейи вакили Вей-Тинг Лиуни мағлубиятга учратган Никита Рафалович мусобақанинг олтин медали ва Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Қизлар ўртасида вазни 67 килограммгача бўлган тазквондочилар баҳсида Нигора Турсункулова гонгконглик Минг Чан, иорданиялик Жуляна Ал-Садек устидан зафар қучди ва Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ
ЖУРНАЛИСТИ»
танловига марҳамат!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига қатнашишга таклиф этади. Танловга 2015 йилнинг 1 июнидан 2016 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловига тахририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача маълумоти иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим. "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87. www.journalist.uz.

Жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 275 миллиондан ортиқ одам ўткир юқумли ичак касалликлари чалинаркан. Уларнинг 70 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Кунлар исий бошлаши билан аҳоли, айниқса болалар орасида ўткир юқумли ичак касалликлари тез-тез учираб туради. Қорин тифи, паратиф, сальмонеллез, ичтуруғ, вирусли гепатитнинг "А" тури ўткир юқумли касалликлар сирасига қиради. Уларни қўзғатувчилар ташқи муҳитга анча чидамли бўлади. Масалан, қорин тифи қўзғатувчиси оқар сувда, сабзавот ва меваларда 5-10 кун, қўлмак сувда 1 ойгача, нон ва нон

Саломат бўлинг

Кўпинча бозор расталарида маҳсулотлар мазасини татиб кўрамай-у, уларнинг санитария-гигиени ҳолати, шунингдек, лаборатория таҳлил-

лари билан қизиқмаймиз. Ўткир юқумли ичак касалликларига чалиниб қолишимиз мумкинлиги ҳаёлимизга ҳам келмайди.

Тоза қўлга касал қўнмайди

маҳсулотлари юзасида бир неча кун давомида тирик сақланса, вабо қўзғатувчилари оқар сувда 18 кундан 5 ойгача сақланади. Вабо қўзғатувчиси сувда ва сальмонеллез қўзғатувчилари озиқ-овқат маҳсулотларида қўл шариотда ҳатто қўпайиши ҳам мумкин. Ўткир юқумли ичак касалликларига чалинган аксарият беморларда ҳолсизлик, кўнгил айниши, қайт қилиш, ич кетиши, тана ҳароратининг кўтарилиши каби ало-

матлар кузатилади. Беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, бу касалликлар асоратли кечиши мумкин. Ичаклар фаолиятининг бузилиши, яралардан қон кетиши ва улар дорининг тешилиши, ўткир буйрак етишмовчилиги ва шу каби оғирлиқ ҳолатлар кузатилади.

Мазкур касалликларнинг олдини олишда шахсий гигиенанинг роли катта. Ўткир юқумли ичак касалликлари "ифлос қўллар касалликлари"

деб бежиз айтилмаган. Овқатланишдан олдин қўллари, албатта, совунаб ювиш, тирноқларни ўз вақтида олиш зарур. Шунингдек, ҳар бир оила аъзоси ўз сочилиги ёки шахсий қўл рўмончасидан фойдаланса, ўткир юқумли ичак касалликларининг олди олинади.

Бундан ташқари, бозор ва кўчаларда сифати кафолатланмаган, уй шариотида тайёрланган яхна ичимликлар – квас, морс, айрон, турли

келган озиқ-овқат маҳсулотларини бермаслик лозим. Барча оила аъзолари, айниқса, ёш болалар учун мўлжалланган сув ва хом сутни, албатта, қайнатиш талаб этилади. Шунингдек, янги соғилган сутни қайнатмасдан бериш мумкин эмас.

Бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини болаликдан шакллантириб бориш бир қатор ҳаётликлар, шу жумладан, ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишда энг тўғри йўлди.

Набижон Жўраев,
вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори ўринбосари.



дан олдин қўлини совунаб ювиши лозим. Болаларга музлаткида узоқ сақланган таомларни едирмаслик, уларга тўғри

ҲУНАРМАНД ЭКСПОРТНИ КЎЗЛАЯПТИ

Кўча-кўйда, тўю тантаналарда адрасдан либос кийган опа-сингилларимизни кўриб, кўз қувнайди. Унинг нафислиги, жилоси бўлакча. Адраснинг яна урфга киришида мохир ҳунарманд ва тад-

Қойил

Пискентлик Дилноза Раҳмонкулова мамлакатимизда ҳунармандларга яратилган кенг шарт-шароитлардан фойдаланиб, адрасга янгича жило бахш этаётган чеварлардан.

У дастлаб адрас тайёрлашни йўлга қўйди. Кейинчалик ундан замонавий бичимдаги чопон, сумка, ҳамён, нимча, қўғирчоқлар учун либослар тикишни ўзлаштирди. Ҳунарманд маҳсулотларининг бежиримлиги билан тилга тушди. Қиз узатадиган ҳам, келин ту-

ширадиган ҳам унинг эшигини қоқадиган бўлди.

Дастгоҳда адрас тўқиш учун аввало кунт керак, – дейди Дилноза опа. – Иппар ўз ўрнига тушиши лозим. Акс ҳолда гул ҳосил бўлмайди. Мато ипи табиий иппадан, арқоғи иппдан тўқилади. Биласизми, ҳозир гуллари абр усулдаги сариқ, кўк, қизил, яшил рангли адраслар урфга кирган.

Дилноза опанинг шогирдлари ҳам устозидан иш ўрганиб, кам бўлишмаяпти. Масалан, улар-

дан бири Моҳирахон ўтган йили "Ташаббус" кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, "Энг ёш ҳунарманд" номинациясида ғолиб бўлди.

Ҳунарманднинг режалари катта. Келгусида фаолиятини янада кенгайтириб, келинлар учун дўппи ва заркавушлар тикишни мақсад қилган. Қолаверса, чет давлатлар билан шартнома тузиб, маҳсулотлар савдосини йўлга қўймоқчи.

Маҳлиё ИСРОИЛОВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

биркорларимизнинг хизмати катта. Юртимизда ҳунармандчилик, тадбиркорликка берилаётган кенг йўл уларга янада илҳом бағишлаётгани ҳам бор гап.



Одамийлик шеvasи

Шаҳардан излаган китобимни топиб, қишлоққа қайтиш учун бекатга яқинлашдим. "Паркентга кетасизми?", деб сўради қаршимдан чиққан йигит. Жавобимни эшитгач, машинаси томон бошлади. Олд

ни ўқиб берди. Мутлоаа элитдими ёхуд чарқоқми, болажонлар бир зумда уй-қўга кетишди. Бирдан шаррос ёмғир қуя бошлади. Устим юпун, ёмғирпўшим йўқ, қандай қилиб ишхонага кириб оламан, деган

демай рулни мен кўрсатган томонга бурди...

– Йўлингиз беҳатар бўлсин, раҳмат, – дея машинадан туша солиб, ишхона томон чопдим.

Хонага киргачгина, китобим онахонда қолиб кетга-

миш. Яқинда қоровул амакига ҳам бир онахон телефонини ёздириб кетган эди. Кимнингдир китобини топиб олганмиш...

Унинг сўзларини эшитиб, беихтиёр компьютердан бош кўтардим. – Китоб топиб олибдими? – сўрадим яна. – Қоровул шундай деяётган эди...

Шошилганча қоровул амаки берган телефон рақамини тера бошладим. Унинг тагига Хосият опа деб ёзилган эди. Узоқ чақирувдан сўнг аёл кишининг ширали овози эшитилди. Мен унга ўзимни таништирдим. Ёмғирли кунда ишхонамга ташлаб қўйишгани, ҳатто китобнинг номини ҳам айтишга улгурдим.

– Яратганга шукр. Сизни ниҳоят топдим, болам. Омонатингиз менда... Эртага ўғлим билан бориб, китобингизни қўлингизга топшираман.

Онахонга манзилни берса, ўзим бориб олишимни айтсам, кўнмади. Эртаси онахон билан юз кўришдик. – Ўғлим билан икки-уч марта сизни кидириб келдик. Аммо, тополмадик. Мана омонатингиз, – аёл шундай дея китобни қўлимга тутқазди.

Улар билан хайрлашар эканман, орзиқиб кутган китобим яна қўлимда эканидан қувондим.

Аммо... гап фақат китобдами?

Дилфуза МИРОБИДОВА.

УЛУФ
АЖДОДЛАРГА
ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ажратган давлат грантлари асосида турли маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Фахр

Бу йилги грант эгаларидан бири – Халқаро Амир Темур жамоат фонди вилоят муассасаси Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти курсантлари иштирокида "Амир Темур – буюк саркарда, бетакрор ақл-заковат, жасорат соҳиби" мавзuida илмий конференция ва ишолар танловини ўтказди. Улуф аждодларга ҳурмат, Ватанга садоқат, фахру ифтихор руҳида ёзилган ишолар ушбу даргоҳда таълим олаётган ўғлонларнинг юкори интеллектуал салоҳиятини кўрсатди.

Танловда иштирок этган 70 ўқувчининг 24 нафарига ташкилотларнинг фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари ва буюк аждодларимиз ҳақидаги китоблар жамланмаса тақдим этилди.

Санда ИКРОМОВА.

ҲАВАСКОРЛАР
ФОНОГРАММАДАН
ФОЙДАЛАНИШМАДИ

Бўстонлик туманидаги 2-умумтаълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, "Ёш қўшиқчилар" тўғраги раҳбари Улғубек Мирзахмедов бошчилигида "Келинг, бирга қўйлайки" кўрик-танлови ташкил этилди.

Маданият

Тадбирда иштирок этган тўғарақ аъзоларининг мусиқага бўлган меҳри, иштиёқи улар оиёв этган куй-қўшиқларда яққол намоён бўлди.

Мактаб ўқувчиларида мусиқа маданиятига қизиқишнинг шаклланиши ва кучайишида ўзига хос аҳамият касб этиши танловда 6-синф ўқувчиси Ширин Ғоипова "Қалдирғоч" номли қўшиғи билан 1-ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин "Бувижоним" таронаси ижроси Нигина Қодиржоновга насиб этди. Шаҳзода Зиёмиддинова эса "Ширин-ширин" қўшиғи билан 3-ўринга муносиб кўрилди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бибигул МАМАДАЛИЕВА,
ўқитувчи.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маълумият:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлари:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Телефонлар:

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Бектош ИСМОИЛОВ

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҚМУДХЎЖАЕВ